



**КАМҚОНЛИК КАСАЛЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА УЛАРДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

CHEMICAL COMPOSITION OF MEDICINES USED IN DEFICIENCY AND
METHODS OF USING EFFECTIVELY

ХИМИЧЕСКИЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ СОСТАВ, ПРИМЕНЯЕМЫХ ПРИ
ДЕФИЦИТЕ, И СПОСОБЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

Кўшақов Дониёр Абдумуталович

*Андижон давлат тиббиёт институти Академик
лицейи кимё фани ўқитувчиси*

Бадалбоева Дилором Собиржоновна

*Андижон давлат тиббиёт институти Академик
лицейи кимё фани ўқитувчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада камқонлик касаллигида ишлатиладиган дори воситаларининг кимёвий таркиби ва улардан самарали фойдаланиш усуллари, шунингдек тиббиётда ишлатиладиган айрим синтетик дори воситаларининг кимёвий таркиби хақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Камқонлик касаллиги, темир моддаси, эритроцид, гемоглабин кимёвий таркиб, темир (III) гидроксид полималтоза комплекси, зарарли таъсир.

Аннотация. В данной статье представлена информация о химическом составе препаратов, применяемых при анемии и их эффективном использовании, химическом составе некоторых синтетических препаратов, применяемых в медицине.

Ключевые слова. Анемия, железо, эритроциты, химический состав гемоглобина, полимальтозный комплекс гидроксида железа (III), вредные эффекты.

Annotation. This article provides information on the chemical composition of drugs used in anaemia and using them effectively, the chemical composition of some synthetic drugs used in medicine.

Keywords. Anaemia, iron, erythrocytes, haemoglobin chemical composition, iron (III) hydroxide polymaltose complex, harmful effects.

Ҳар бир катта ёшли одамнинг организмида тахминан 5 литр қон мавжуд. Агар сиз ўз танангизда қанча қон борлигини билмоқчи бўлсангиз, унда эслаб




қолинг — бу тана вазнининг 7 фоизини ташкил қилади. Қон ўзининг асоси бўйича таркибида тузлар бўлган сувдир, аммо унинг энг муҳим таркибий қисми қон ичида айланиб юрадиган ҳужайралардир. Ушбу ҳужайралар суяк илигида ҳосил бўлади ва уларнинг қийматини ортиқча баҳолаш қийин. Эритроцитлар, яъни қизил қон таначаларининг ўзигина ўпкадан чиқадиган кислородни танамизнинг барча тўқималарига етказди ва шу билан нафас олишда қатнашади. Айнан улар қонни қизил рангга киритади. Бошқалари, масалан оқ қон ҳужайралари бизни микроб ва вируслардан ҳимоя қилади. Ва ниҳоят, учинчи хил ҳужайралар — тромбоцитлар, шикастланганимизда қон кетишини тўхтатади. Агар қайсидир ҳужайра миқдори жуда камайиб кетса ёки ўз функциясини бажаришдан тўхтаса, соғлигимиз ёмонлашади. Анемиянинг ривожланиши ушбу ҳужайралардан бири — қизил қон таначалари етишмаслиги билан боғлиқ. Аммо, баъзида қизил қон таначаларининг сони сақланиб қолган ҳолатда уларнинг асосий таркибий қисми, кислородни олиб юрадиган гемоглобин оқсилнинг сони камаяди. Натижада, қизил қон таначалари «сифатсиз» бўлиб қолади ва уларнинг функциялари, ҳатто қизил қон ҳужайралари сони ўзгармаса ҳам ишдан чиқади. Шундай қилиб, биз анемия нималигини билиб олдик — қизил қон таначалари ёки улар таркибидаги гемоглобин миқдори камайганда юзага келадиган ҳолат. [2] Бошқа кўплаб қон касалликларидан фарқли ўлароқ, камқонлик жуда кенг тарқалган: статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг чорак қисми анемиядан азият чекмоқда, ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда 1 миллиардга яқин одам темир танқислиги билан касалланган. Ҳатто Европанинг ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида ҳам, туғиш ёшидаги барча аёлларнинг 7,5–11% темир танқислиги камқонлигидан азият чекмоқда, 20-25% да яширин темир танқислиги кузатилмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида темир танқислиги камқонлигининг даражаси юқори [1].

Тиббиётда темир танқислиги ёки камқонлиги бўлган инсонлар учун темир препаратлари энг кенг тарқалган даволаш усули ҳисобланади. Соғлом ҳомиладор аёллар учун темир, витамин В₁₂ ва фоллий кислотаси қўшимчалари мунтазам равишда буюрилади. Бироқ, қўшимчаларнинг самарадорлиги, тананинг уларни ўзлаштириш қобилияти ва қонда юқори темир миқдорининг ноўйиб таъсири борлиги учун эҳтиёткорона муносабатда бўлиш талаб этилади.

Темир танқислиги камқонлигини даволаш беморлар учун темир препаратларини қабул қилишга асосланган. Анемия даволашда самарали темир препаратлари II - ва III - валент темирга асосланган 2 хил таърифланган



дорилар мавжуд. Иккинчиси табиий таркибга (ферритин) ўхшашдир, шунинг учун уни ишлатиш афзалдир. Бундай препаратлар ошқозон-ичак тракти ичига



яхши сингдирилади ва ҳаддан ташқари дозага олиб келмайди. Бундан ташқари, темирли темир молекулаларининг ўлчами прооксидан таъсирига эга эмас, бу ҳам афзаллик ҳисобланади. Бугунги кунда энг кўп ажратилган бирикма полиматозанинг гидроксидидир. (1-расм)

1-расм. Темир (III) гидроксид полималтоза комплекси

Анемия ҳолатида темир моддаси мавжуд бўлган дорилар: II валентли темирга асосланган замонавий дорилар: Aktifferrin; Ferronal; Hemofer Prolongatum; Ferrelcit; Totem; Ferrograduum; Tardiferon; Ferronat; Ferogluconate-Apo; Heferol; Sorbifer Durules; Hemochelper; Ferroplex. III валентли темирга асосланган препаратлар: Ferlatum; Fefol; Maltofer; Ferrum Lek; Monofer; Venofer; Feribot; Argeferr; Likferr; Ferretab; Cosmofer; Fermed; Dextrafer; Irradiyalik; Ginko-Tardiferon; Fenyuls.

Ушбу дорилардаги темирни ассимиляция қилиш учун улар одатда кислород, фолик кислотаси кўшадилар. Бундан ташқари, улар сианокобаламин, никотинамид, систеин, хамиртуруш, фруктоза, лизин, оксил, мукопротеаздан фойдаланишлари мумкин. Чет элда ишлаб чиқарилган темир тутган препаратлар - ферроплекс, конферон, сорбифер ва бошқалар - темир танқислиги камқонлигини даволашда тавсия этилади. Ушбу дориларни овқатдан кейин қабул қилиш ва аскорбин кислотаси билан биргаликда сингдиришни яхшилаш учун фойдаланиш мумкин.

Қоннинг доимий йўқолиши билан, темир билан профилактик даволаниш тизимли равишда йилига 2-4 марта 1 ой давомида ўтказилади [1]. Қуйидаги жадвалда темир танқислиги камқонлигини даволашда самарали бўлган препаратлари ва уни таркибида тасир этувчи фаол моддалари берилган.



1-жадвал

№	Дори воситаси	таъсир этувчи асосий компонент
1	Малтоферр	Темир (III) гидроксид полималтоза комплекси
2	Аргеферр	Темир (III) гидроксид сахароза комплекси
3	Венофер	Темир (III) гидроксид сахароза комплекси
4	Феррум лек	Темир (III) гидроксид полималтоза комплекси
5	Ликферр 100	Темир (III) гидроксид сахароза комплекси
6	Ферроплекс	Темир (II) сульфат гептагидрати
7	Сорбифер Дурулес	Темир (II) сульфат
8	Тардиферон	Темир (II) сульфат
9	Неофер плус	Темир fumarат
10	Хеферол	Темир fumarат

Доимий равишда синтетик кимёвий дори препаратларини қабул қилиб юриш натижасида организм захарланиши эвазига анимия касаллиги пайдо бўлиши ҳам кўп учрайдиган ҳолатлардан бири. Препаратларнинг асосий ёки ёрдамчи компонентларига юқори сезувчанлик кузатилиши мункин. Шунинг учун шу ва бошқа синтетик дори воситаларини қабул қилишда жуда эҳтиёткор бўлиш тавсия этилади. Камқонликни олдини олиш учун эса темир моддасига бой ва калорияли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тавсия этилади. Шу билан бирга халқ табобатида камқонликни олдини олиш ва даволашда қуйидаги тавсиялар самарали натижа беради.

1. Ўзбекистон республикаси ССВ да рўйхатга олинган Аскалций, Асдаво, Астош, Асшифо, Шифо, Антивир 101 табиий биологик фаол озиқ - овқат қўшилмаларини тартибли равишда истеъмол қилиш камқонликда яхши самара беради.

2. Қизил сабзи ҳам камқонликда даво бўладиган нематлардан ҳисобланади.

3. Абу Али ибн Сино камқонлик касаллигида исмалоқдан кенг фойдаланган. Исмалоқ қайнатмасидан кунига 3-4 маҳал, 100 млдан 15 кун давомида ичилса шифо булади. Қайнатмани тайёрлаш учун бир ош қошиқ исмалоқ ўти устига бир стакан сув қуйиб, 10 дақиқа қайнатилади ва бир соат тиндириб қуйилади.



4. 2 кг новвотни 6 литр сувда қайнатиб, кечаси очик жойда қолдирилади ва сахарда олиб, қоронғу жойда сақланади. Кунига 3 маҳал 100 граммдан, 10 кун давомида ичилса, бемор тузалади.

5. Қора буғдой (гречиҳа) новдаларидан май ойида бир стакан олиб, устига бир литр қайноқ сув қуйиб, дамлаб қўйилади. Кўнгил кўтаргунча ичилади.

6. Қора буғдойнинг гуллаган новдаларидан 2 ош қошиғини кечқурун термосга солиб, устига 2 стакан қайноқ сув қуйилади. Эрталаб сузиб олиб, кунига 4 маҳал ярим стакандан, овқатдан ярим соат олдин ичилади.

7. Мумиёдан кунига 0,3 граммдан эрталаб ва кечқурун 2 маҳал 10 кун ичиб, кейин 5 кун танаффус қилинади ва 4 курс такрорланади. 2 ой танаффус қилинади. Икки ойдан сўнг яна 4 курс такрорлаб, 2 ой танаффус қилинади. Кейин яна 4 курс даволанилади.

8. Қора зира мевасида 2-3 чой қошиғини бир стакан қайноқ сувда дамлаб қўйилади ва чой каби бир кунда ишлатилади.

9. Ўрик мевасидан истемол қилинса, қамқонликни даволашда муҳим ўрин тутати. Бу немат юрак қон-томирлар фаолиятини яхшилайти.

10. Камқонликда ва кўз хиралашганда кунига 0,5-1 стакандан ўрик шарбатидан ичиб туриш тавсия этилади [2]. Шунинг ҳам алоҳида такидлаш жоизки, камқонликни синтетик дори воситалари билан даволаш вақтинчалик самара беради. Шуларни инобатга олган ҳолда камқонлик касаллигини даволашда ўсимликлардан тайёрланган “Асшифо”, “Аскалций”, “Алқоён”, каби табиий табиий озик овқат қўшилмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур озик овқат қўшилмалари табиийлиги инсон организми учун безарарлиги билан юқорида айтиб ўтилган айрим синтетик дори воситаларидан устун эканлиги аниқланган [4,5].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳоли даражасида темир ҳолатини баҳолаш бўйича ЖССТ/КДК қўшма техник маслаҳати; Аҳолининг темир ҳолатини баҳолаш бўйича ишлар: адабиётларни кўриб чиқиш, шу жумладан: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти/Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказларининг аҳоли даражасида темир ҳолатини баҳолаш бўйича техник маслаҳатлашуви ҳисоботи; Женева, Швейтсария. 2004 йил 6–8 апрел. [Google Scholar]
2. [Ж.А.Миррахимов, И.Р.Асқаров, “Халқ табовати усуллари билан камқонликни даволаш” XALQ TAVOBATI PLUS журнали №1 6-сон 2021 й. 2 б.](#)



3. И.Р.Асқаров, М.К.Ашуралиева. Кимёвий элементлар инсон организмида: Ўқув қўлланма. – Тошкент. Тафаккур, 2012. - 64 б
4. И.Р.Асақаров. Табобат қомуси. Мумтоз сўз. Тошкент – 2019. – 1590 б
5. И.Р.Асақаров. Сирли табобат. – Т: Фан ва технологиялар нашриёт – матбаа уйи. 2021. – 1084 б.